

ШАРТНОМА № 4

Андижон ш.

“4” сф 2022 й.

Ушбу шартномада «Буюртмачи» деб номланувчи ва корхона низоми асосида иш олиб борувчи **Водий нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси**, номидан директорининг 2022 йил 10 май кунги 01-12/1-39-сонли ишончномаси асосида иш олиб борувчи М.М.Анарбоев, бир томондан ва ушбу шартномада «Бажарувчи» деб номланувчи ва жамият низоми асосида иш олиб борувчи **Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси** номидан **М.М.Мирзаахмедова** Иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

1. Шартнома мазмуни.

1. «Бажарувчи» 2022 йилда «Буюртмачи» нинг Е-харидга куйган № 22120012146143 сонли лотиға асосан Водий НГҚЧБ ходимларини мажбурий даврий тиббий кўриқдан ўтказишни амалға оширади, «Буюртмачи» эса амалға оширилган ишлар ва хизматлар учун «Бажарувчи» га ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Хизмат кўрсатишни ташкил этиш тартиби.

2. «Бажарувчи» томонидан қуйидаги ишларни амалға ошириш мажбуриятини олади:

2.1. Техник топшириқ предмети:

Водий НГҚЧБ муҳандис-техник ходимлари ва ишчиларини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги талабларига кўра мажбурий даврий тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда шахсий тиббий варақаларини расмийлаштириш.

2.2. Кўрсатиладиган хизмат кўрсатишнинг мақсади, унга бўлган талаблар ва уни амалға ошириш учун асос:

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1 «Буюртмачи» шартнома қийматининг 30% миқдорини олдиндан тўлаганидан сўнг «Бажарувчи» шартномаға асосан ишларни бажаради.

3.2 «Бажарувчи» томонидан барча юқорида кўрсатилган хизматлар учун электрон ҳисоб китоб-фактура (иш бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар) «Буюртмачи» га тақдим этилгандан сўнг амалдаги қонунларға мувофиқ ташкилотнинг ҳисоб рақамиға пул ўтказишни амалға оширилади.

4. Шартнома баҳоси

4. Шартноманинг баҳоси шартли равишда **7 200 000 (Етти миллион икки юз минг) сўм** Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида белгиланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август кундаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни, транспорт уставлари ва кодекслари ҳамда уларға мувофиқ чиқарилган қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

5.2. Устама (жарима, пеня) тўланганлигидан қатъий назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафға ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Томонлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Шартнома муносабатларини амалга оширишда юзага келган низолар ўзаро музокара йўли билан хал этилади, низолар ўзаро келишувга биноан хал этилмаган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд идоралари томонидан кўриб чиқилади.

7. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг таъсири.

7.1. Бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар (сув тошқини, зилзила, ёнғин ва бошқалар, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳакозолар) рўй берган ҳолларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади. Бундай ҳолатлар бўйича томонлар бир бирларини 3 (уч) кун муддат ичида ёзма тартибда хабардор қилиши лозим.

8. Коррупцияга қарши оғохлантириш

8.1. Томонлар тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пулни, бошқа қимматбаҳо нарсаларни, мулкӣ, мулкӣ ҳуқуқларни ёки бошқа моддий ва (ёки) номоддий неъматларни олиш ва олишга розилик бериш, товламачилик, сўровлар, таклифлар, ваъдалар, товламачилик, сўровлар қилишдан тиядила, асоссиз устунликка эришиш ёки бошқа ноқонунӣ мақсадларга эришиш, шу жумладан Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига мос келмайдиган мақсадларга эришиш учун уларга таъсир этиш.

8.2. Томонлар ушбу ҳаракатининг олдини олиш чораларини кафолатлайди.

8.3. Томонлар очиқчасига қонунбузарлик туғрисидаги гумон қилинаётгани ёки шартномани амалга оширишга иштироқ этаётган томонлар, ҳодимлар, бенефитсиарлар, аффилиланган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан бузилган ;

8.4. Агар Томонлардан бири бошқа Томон, унинг ҳодимлари, бенефитсиарлари, аффилиланган шахслари ёки Битимни амалга оширишда иштироқ этувчи бошқа шахслар томонидан амалдаги қонунчилик ва/ёки ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши кураш қоидаларини бузганлиги туғрисида асосли шубҳалар мавжуд бўлса, содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлса, ушбу Томон унга сўров олинган кундан бошлаб 10(ўн) иш куни ичида ҳуқуқбузарлик фактини рад этувчи ёки тасдиқловчи изоҳлар ва маълумотларни/ҳужжатларни тақдим этиш талаби ёзма сўров юборишига ҳақли;

8.5. Агар Томонлардан бири ушбу бобнинг талабларига риоя қилмаса, шунингдек, бошқа Томон белгиланган муддат ичида бузилиш содир бўлмагани ёки рўй бермаслиги туғрисида тасдиқлов олмаган бўлса, ва Томон коррупцияга ҳавфини камайтириш бўйича чоратadbирларни амалга оширган бўлса, бошқа Томон ушбу Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш, шунингдек унинг бажарилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга;

8.6. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича Шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган Томонга етказилган зарарни қоплаш ушбу Шартноманинг тегишли моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади, бунда ушбу бобдаги мажбуриятларни бузган Томон ҳуқуққа эга эмас. Шартноманинг белгиланган бир томонлама бекор қилиниши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

8.7. Агар шартнома бўйича Томон ташкилот ҳодимларининг ушбу Шартнома ва/ёки амалдаги қонунчиликнинг коррупцияга қарши кураш қоидаларига зид бўлган ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга мажбурлаш фактларига дуч келса, бу ҳақда Томонлардан бири орқали хабардор қилиши шарт. Коррупцияга қарши кураш қоидаларига зид қеладиган қуйдаги алоқа каналлари:

- «Ишонч телефон»ига оғзаки мурожаат қилиш номер: + 998 (71)233- 28-88;

- Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл орқали:
<http://www.ung.uz/contacts/>;

- Жамиятнинг ижтимоий тармоқдаги электрон шакл орқали: «Facebook»: @uzbekneftgaz;

- Жамиятнинг «Telegram» канали орқали: «UNG Общение»: @uzneftgazbot и
Молия ва қоплаенс назорат қилиш департаменти: @ung_anticoBot;

**9.Шартномага ўзгартириш ва қўшимча киритиш,
ёки уни бекор қилиш тартиби.**

9.1.Ушбу шартномага киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилганидан ва ваколатли шахслар томонларидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий деб ҳисобланади.

9.2.Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.Шартнома бекор қилинганида, тарафларнинг бир-бирига етказилган зарарлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда қопланади.

9.3. Ушбу шартнома 2 нусхада бўлиб бир хил юридик кучга эга ҳисобланади шартнома имзоланган кундан бошлаб 31.12.2022 йилгача амалда бўлади.

**11.Шартноманинг бажарилишини назорат қилувчи ва уни бажарувчи
шахслар.**

11.1.«Буюртмачи»томонидан _____ телефон _____

11.2.«Бажарувчи»томонидан _____

12.Томонларнингманзиливабанкреквизитлари.

12.1 Буюртмачи:

“Ўзбекнефтгаз” АЖ Водий нефт
ва газ қазиб чиқариш бошқармаси
Манзил: Андижон шаҳар А.Навоий
шоҳ кўчаси 97 уй
Банк номи: ЎзСҚБ Яшнобод филиали
Х/р: 2021000800124339001
МФО: 00440 СТИР: 200837914
Код НДС: 326080011602
ОКЕД: 84111



Водий Н.И.НБ
Директори _____ М.М.Анарбоев
м.ў.

12.2 Бажарувчи:

Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси
Манзил: Андижон шаҳар Ю.Отабеков 1
СТИР: 200237015 ОКОНХ: 91514
Шх/в: 401422860034017073101054004
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилиги
Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш
Ягона Ғазначилик ҳисобварағи СТИР: 201122919
Х/р: 23402000300100001010, МФО:00014



Раҳбар (Директор) _____ М.М.Мирзаахмедова
м.ў.

Хуқуқшунос:

